**Дори-дармон ва тиббий воситаларни етказиб бериш тугрисида**

ШАРТНОМА № 40

Бухоро ш . «10» январ 2022 й.

« Бухоро Дори - Дармон » МЧЖ , ( ташкилот, корхона номи ) ( кейинги уринларда «Таъминотчи» деб юритилади) номидан узининг устави ( низоми,устави,ишончнома) асосида иш юритувчи Ахатов Д Б. (вазифаси,фамилияси,исми) тимсолида, бир томондан ва Жондорбозор ХК ТБ ( корхона, ташкилот,муассаса номи), (кейинги уринларда «Истеъмолчи» деб юритилади) номидан узининг низоми низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ш. Х. Хозоров (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## 1.ШАРТНОМА МОХИЯТИ.

«Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни талабномаси асосида мазкур шартномага илова килинган спецификацияга асосан дори-дармон ва тиббиёт махсулотлари билан таъминлаш, « Истеъмолчи» олган махсулот кийматини «Таъминотчи»нинг банкидаги тегишли хисоб-ракамига келишилган муддатда утказиб беришни уз зиммасига олади.

## 2.МАХСУЛОТ СИФАТИ.

2.1. « Истеъмолчига »га УзРда фармакологик руйхатидан утган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва урамлари фармацевтик ва техник талабларига жавоб берадиган хамда сифат сертификатига эга булган, яроклилик муддати утмаган булган дори-дармонлар ва тиббий махсулотлар етказиб берилади.

## 3. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ.

3.1. Махсулотлар «Истеъмолчига »га узаро келишилган транспорт воситаларида тулов талабномалари ва бошка хужжатлар билан кушиб жунатилади. Юкни жунатиш билан боглик булган барча харажатлар «Таъминотчи»нинг зиммасига юклатилади.

3.2. Гиёхванд,прекурсорлар,захарли ва психотроп дори-дармонлар «Истеъмолчи» томонидан тегишли хукукий органлар томонидан махсус рухсатномалар билан « Таъминотчи»нинг омборхонасидан «Истеъмолчи» олиб кетади.

## 4. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ШАРТЛАРИ.

4.1.Ушбу шартноманинг дори –дармон ва тиббий махсулотларнинг умумий суммаси =6554630= сумни ташкил этади.

4.2. Сотиб олинадиган дори-дармон учун олдиндан тулов микдори 1966389 сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини шартнома имзоланган кундан бошлаб 3кун ичида тулаши ва бу олдиндан тулов 2022 йил «20» январ гача амалга оширилади.Якуний туловнинг микдори эса 4588241 сумни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тулов хисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлиги тасдикловчи хужжат) такдим килингандан сунг 30 кун мобайнида "31" январ 2022__гача амалга оширилади.

4.3. Тулов шакли пул кучириш йули билан амалга оширилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1.Томонлар ушбу шартномани кисман ёки тулик бажармаганликлари учун мулкий жавобгардирлар.

5.2. Шартноманинг 4.1. бандига асосан «Истемолчи» махсулотнинг туланмаган киймати бир ойдан кечиктириб тулашга йул куйса, кечиктириб туланаётган суммадан хар бир кун учун 0,5% «Таъминотчи»ни фойдасига пеня тулайди. Лекин пеня киймати тулов суммасининг 50% дан ортик булмаслиги керак.

5.3. Шартноманинг 2.1. бандига асосан «Таъминотчи» томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли хужжатлар билан 5 кун ичида тасдикланса, у холда «Таъминотчи » сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб берилади ва бу билан боглик барча харажатларни уз зиммасига олади.

5.4. «Таъминотчи » уз вактида буюртмада курсатилган махсулотни омборидан «Истеъмолчи»га узи етказиб бермаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кузда тутилган булса, «Таъминотчи»
«Истеъмолчи»га махсулотни кечиктириб етказгани махсулотнинг умумий кийматининг 10% микдорида жарима тулайди.

5.5. «Таъминотчи»нинг хисоб-китоб фактурасида махсулот солинган кутилар (тара)ни кайтарилиши кайд этилган булса, кутилар 3 кун ичида кайтарилиши керак.Акс холда кутилар кийматидан куйидагича жарима солинади: 30 кундан кечиктирилса 10% , 40 ва ундан ортик кун учун 20%.